



Andijon viloyat sog'liqni saqlash boshqarmasi boshlig'ining

BUYRUG'I

2022 yil "10" 06

№ 84

Andijon sh.

Андижон вилояти шаҳар ва туманлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда даволаш профилактика муассасаларига марказлашган кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга ташишни таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари ҳамда даволаш профилактика муассасаларига марказлашган кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга ташишни таъминлаш учун давлат харидлари электрон платформаси орқали энг яхши номзод ташкилотини танлов асосида танлаб олиб шартнома имзолансин.
2. Энг яхши номзод ташкилотини танлов асосида танлаб олиш учун Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари томонидан қуйидаги комиссия аъзоларига юклатилсин:

Бошқарма бошлиғи ўринбосари:	Р.Аскарлов – комиссия раиси
Бош ҳисобчиси:	Ғ.Сайпидинов – комиссия аъзоси
Бош иқтисодчи:	Б.Ахмедов - комиссия аъзоси
Бош мутахассис:	Қ.Мухсинов - комиссия котиби
Бош мутахассис:	Б.Хамидов - комиссия аъзоси
Бош мутахассис:	Х.Иброҳимов - комиссия аъзоси

3. Бош ҳисобчиси Ғ.Сайпидиновга: Ўн кун муддатда Вилоят, шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари ҳамда даволаш профилактика муассасаларига марказлашган кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга ташишни таъминлаш бўйича давлат харидларининг ахборот хизмати порталига эълон берилиши таъминлансин.
4. Кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга талон-тароҳ қилмасдан ташиш чоралари кўриш ва назорат қилиш бошқарма бош мутахассиси Б.Хамидов зиммасига юклатилсин.
5. Танлов бўйича амалга оширилаётган ишларни ва ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарма бошлиғи:

 С.Юсупов



Андижон вилояти шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари ҳамда даволаш профилактика муассасаларига 2022-2023 йил куз қиш мавсумида марказлашган кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга ташишнинг

ТЕХНИК ШАРТЛАРИ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Хизмат тури	2022 йил июн, июл, август, сентябр, октябр, ноябр, декабр ойи давомида вилояти шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари ҳамда даволаш профилактика муассасаларига кўмир ёқилғисини ташиш хизмати
2	Буюртмачи	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
3	Буюртмачи учун асос	2022-2023 йил куз қиш мавсумида марказлашган кўмир ёқилғисини транспортда манзилларга ташиш
4	Хизмат кўрсатиш	Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш профилактика муассасаларига кўмир ёқилғисини сифатли ташиш хизмати
5	Қатнашувчилар учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - тадбиркорлик субъекти бўлиши. - Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этишлари шарт. - солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги. - виждонсиз ижрочиларнинг ягона рўйхатида улар тўғрисида ёзувлар бўлмаслиги. - низомида транспортда хизмат кўрсатиш фаолияти тури бўлиши керак. - тадбиркор балансида юк ташувчи авто транспортлари тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиши шарт.
6	Тижорат таклифи тақдим этиш шартлари	Ташкилот рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаси ва низоми; солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида маълумотлар бериши шарт
7	Иш тури	Хизмат кўрсатиш
	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб 30% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг 5 иш кунда
9	Етказиб бериладиган хизмат ҳисоб китоби	Етказиб берилган хизматлар учун тўлов ҳисоб фактураларга мос ҳолда тўланади
10	Техника хавфсизлиги буйича талаблар	Хизмат кўрсатиш вақтида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиниши шарт.
11	Молиялаштириш манбаи	Бюджет маблағлари ҳисобидан
12	Бажариладиган ишлар қиймати	200 000 000 (икки юз миллион) сум